

**МИНТАҚА САНОАТИНИ ХУДУДИЙ ТАРКИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. (Зарафшон минтақаси мисолида)**

Низомий номидаги Тошкент Далат Педагогика Университети

PhD, профессор в.б. Уралов Елбиой Омонович

*Ташкентский государственный педагогический университет имени
Низами, независимый исследователь*

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО СОСТАВА
ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕГИОНА (В случае Заравшанского района)**

Аннотация: Ушбу мақолада минтақа саноатини худудий таркибини такомиллаштириш ва минтақа худудий таркибини такомиллаштиришда орта қолаётган туманларни такомиллаштириш бўйича масалалар очиб берилган.

Ключевые слова: Иқтисодиёт, модернизация, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, минтақавий хусусиятлар, комплекс ривожланиши, истеъмолчи, ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатлар.

**Uralov Eliboy Omonovich Independent researcher Tashkent State
Pedagogical University named after Nizami**

**WAYS OF IMPROVING THE TERRITORIAL COMPOSITION OF THE
REGIONAL INDUSTRY (In the of Zarafshan region)**

Abstract: В данной статье раскрыты вопросы совершенствования территориальной структуры региональной промышленности и оздоровления районов, отстающих в совершенствовании территориальной структуры региона.

Keywords: Экономика, модернизация, экономическое и социальное развитие, региональные особенности, комплексное развитие, потребительские, производственные, экономические отношения

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг минтақавий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу энг аввало, аҳоли турмуш тарзининг кўтарилиши, ижтимоий барқарорлик ҳамда мамлакатнинг индустриал тараққиёти билан узвий равишда боғланган.

Саноат иқтисодий район иқтисодиётининг барқарор ва комплекс ривожланиши, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда катта ўрин тутди.

Саноат тараққиёти иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, ишлаб чиқариш тармоқлари ва истеъмолчиларни бирлаштирувчи, худудий ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этувчи мураккаб иқтисодий тизим ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариш тармоқлари истеъмолчиларнинг ички ва ташқи бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади. Умумий ҳолда таърифлаганда, минтақавий

1-жадвал

Саноати ривожланиши бўйича орқада бўлган туманларнинг салоҳияти
тўғрисида маълумот (2020 йил)¹

| № | Курсатгич номлари | Зарафшон пахши | Конимех | Навбахор | Нурута | Томли | Учкудук | Хатирчи | Каттакўрғон ш | Оқдарё | Ишпихон | Каттакўрғон т | Қўшробот | Нарпай | Нуробод | Пайарик | Пахтачи |
|----|---------------------------------------|-------------------|----------------|------------|------------|------------|------------|------------|---------------|----------------|------------|---------------|------------|------------|-----------|------------|------------|
| 1 | Майдони | 0,02 | 9, 25 | 1,57 | 5,9 4 | 42, 49 | 46, 63 | 1,42 | 90,7 | 16 1, 7 | 258 ,2 | 276 ,6 | 133, 5 | 215 ,4 | 15 2,7 | 254 ,5 | 146 ,0 |
| 2 | Аҳолиси, м инг киши | 851 37 | 36 17 9 | 114 681 | 866 56 | 151 36 | 376 89 | 201 854 | 90,7 | 16 1, 7 | 258 ,2 | 276 ,6 | 133, 5 | 215 ,4 | 15 2,7 | 254 ,5 | 146 ,0 |
| 3 | Саноат корхонала р сони | 265 | 12 9 | 214 | 346 | 60 | 208 | 417 | 240 | 29 6 | 240 | 303 | 121 | 190 | 15 6 | 309 | 191 |
| 4 | Йирик кор | 2 | | 1 | 1 | | | | 2 | | 2 | 5 | | 2 | | 2 | 2 |
| 5 | Кичик кор | 259 | 12 9 | 113 | 345 | 60 | 208 | 417 | 238 | 29 6 | 238 | 298 | 121 | 188 | 15 6 | 307 | 189 |
| 6 | Саноат мах и/ч милярд сўмда | 315, 7 | 12 9, 5 | 521, 0 | 289 ,2 | 44, 4 | 147 ,0 | 568, 9 | 359, 1 | 33 4, 0 | 352 ,2 | 431 ,5 | 45,9 | 596 ,5 | 21 2,8 | 354 ,5 | 356 ,6 |
| 7 | Худудлард а таш сав милАКШ | 74,2 | 6, 3 | 31,6 | 11, 4 | 9,4 | 4,9 | 17,7 | 17,9 | 40 ,8 | 12, 8 | 38, 0 | 3,7 | 17, 8 | 36, 8 | 15, 2 | 24, 2 |
| 8 | Экспорт | 3,3 | 1, 1 | 17,5 | 2,3 | 0,7 | 1,3 | 10,0 | 6,9 | 18 ,6 | 7,4 | 14, 0 | 1,3 | 7,4 | 1,8 | 9,1 | 4,6 |
| 9 | импорт | 70,9 | 5, 2 | 14,1 | 9,1 | 1,7 | 3,6 | 7,7 | 11,0 | 22 ,2 | 5,4 | 24, 0 | 2,5 | 10, 3 | 34, 9 | 6,1 | 19, 6 |
| 10 | Фаолият кўр хориж корхон/ | 17 | 8 | 9 | 25 | 8 | 10 | 8 | 18 | 31 | 14 | 11 | 20 | 5 | 12 | 16 | 9 |
| 11 | Асосий капитал кир инвестиц | 127 0,3 | 18 76 ,7 | 373, 5 | 273 ,5 | 309 6,8 | 100 3,5 | 787, 0 | 159, 1 | 60 5, 9 | 458 ,6 | 177 ,2 | 533, 7 | 180 ,0 | 37 3,2 | 171 ,3 | 268 ,8 |
| 12 | Қишлоқ, ўр монва балиқчили к | 41,9 | 58 9, 6 | 188 1,7 | 125 4,4 | 343 ,7 | 246 ,6 | 364 3,0 | 189, 4 | 16 59 ,2 | 294 9,8 | 406 7,8 | 137 2,1 | 139 2,9 | 87 8,7 | 289 2,8 | 139 6,0 |
| 13 | Истеъмол товарлари | 244, 9 | 90 ,7 | 268, 1 | 235 ,8 | 39, 2 | 120 ,5 | 549, 7 | 198, 6 | 25 0, 4 | 225 ,4 | 285 ,5 | 34,1 | 301 ,2 | 19 0,5 | 227 ,9 | 227 ,6 |

Манба: Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

саноатда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол субъектлари ўртасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва

¹ Статистик таҳлил муаллиф томонидан бажарилган

унинг истеъмоли ўртасида рақобат муҳити минтақавий хусусиятларга асосланган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Зарафшон иқтисодий райони саноати орқада қолётган туманларни майдони катталиги бўйича (1-жадвал)дан кўришимиз мумкин Каттакўғон тумани (276,6), Иштихон тумани (258,2), Пайариқ тумани (254,5), Нуробод тумани (152,7) асосийси тоғ ва тоғолди худудида жойлашган туманлар ҳисобланади.

2020 йилда ЗИР индустриал секторининг муҳим ривожлантириш кўрсаткичлари-саноатнинг юқори технологик ривожланиш соҳаларига инновацион технологияларни қўллаш (ўзлаштириш, жорий қилиш) асосида ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Республиканинг истиқболда жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётнинг барқарорлиги таъминланиши ҳамда маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли, жаҳон бозори талабларига мос, рақобатбардош ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш кераклиги ва 2020 йил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Нарпай тумани 596,5 миллиард сўм, Хатирчи тумани 568,9 миллиард сўм, Навбахор тумани 521,0 миллиард сўм, Каттакўғон тумани 431,5 миллиард сўм, Каттакўғон шаҳри 359,1 миллиард сўм, Пахтачи тумани 356,6 миллиард сўм, Пайариқ тумани 354,5 миллиард сўм, Иштихон тумани 352,2 миллиард сўм, Оқдарё тумани 334,0 миллиард сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган, энг паст кўрсаткичга эга бўлган туманлар Томди тумани 44,4 миллиард сўм, Қўшробот тумани 45,9 миллиард сўм, Конимех тумани 129,5 миллиард сўм, Учқудук тумани 147,0 миллиард сўм маҳсулот ишлаб чиқарган.

Саноат ишлаб чиқариши асосан бевосита саноатнинг ўзида, унинг хом ашёси асосида маҳсулот ишлаб чиқаргани учун иқтисодиётнинг ажралмас узвий қисми сифатида қараш талаб этилади. Шу билан бир вақтда у тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги ва истеъмоличилар ўртасида воситачилик вазифасини ҳам бажаради.

Иқтисодий райондаги саноат ривожланиши бўйича орқада бўлган туманлари мавжуд салоҳиятидан самарали ривожланиши бўйича орқада бўлган туманлар мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар берилди.:

Қўшробот тумани қурилиш табиий захираларига бой бўлиб, унда мрамор, гранит, қурилиш тошлари, графит ва минерал буёқлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш лозим.

Иштихон туманида боғдорчилик бўйича юқори натижаларига эришиш имконияти юқори бўлиб, ушбу туманда мева-сабзавотчилик кластерини жадал ривожлантириш зарур:

Зарафшон иқтисодий райони саноат ривожининг янги йўналишларга ўзгартириш, тўқимачилик ва озиқ-овқат соҳасида, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни

ривожлантириш иқтисодиётнинг ўсишини таъминлайдиган асосий омиллар ҳисобланади.

Мазкур туманлар саноатида кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичларга, энг аввало, ишлаб чиқариш суръатларининг камайишига йўл қўяётган корхоналарда ижобий ўзгаришларни таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш, корхоналар олдида юзага келаётган муаммолар ечимини топишда уларга кўмаклашиши ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш лозим.

Минтақавий саноат ривожланишининг асосий омилларини иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва табиий-агроиклимий гуруҳларга ажратиш мумкин.

Иқтисодий омилларга саноат ишлаб чиқариши ва саноат хом ашёсини қайта ишлаш саноатининг жойлаштирилиши ва ривожланиши, иқтисодий районлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, саноат товарлари нархларининг даражаси ва таркиби киради.

Илмий-техник омиллар саноат ва унинг инфраструктураси, моддий-техника базасининг ривожланиши, фан-техника ютуқларининг жорий этилиш даражасини ўз ичига олади.

Ижтимоий омилларга аҳолининг сони ва ижтимоий демографик таркиби, унинг иқтисодий районда жойлашиши киради.

Табиий-агроиклимий омилларга эса иқтисодий районнинг табиий географик жойлашуви, иқлим, сув, орографик хусусиятларидан келиб чиқади.

Тадқиқотда минтақавий саноатнинг иқтисодий таҳлили таклиф этилди ва улар қуйидагиларга асосланган:

- худуднинг иқтисодий географик ўрни ва жойлашувини аниқлаш;
- минтақавий саноат ривожланишининг жараёнларини аниқлаш;
- саноат ишлаб чиқариши таркибига таъсир этувчи омилларни баҳолаш;
- минтақавий саноат ривожланиши жараёнларига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш.

Маълумки, ҳар қандай саноатнинг худудий таракибини такомиллаштириш, худуддаги соҳа тармоқнинг ривожланиши уни амалга оширишнинг иқтисодий меҳнаизмига бевосита боғлиқ. Зарафшон иқтисодий райони саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан бу борадаги иқтисодий ислоҳатларнинг асосий мазмунини қуйидагилар ташкил этмоқда:

-товар айланишида монополияни чеклаш, молиявий ва моддий ресурслар бозорига киришни соддалаштириш, ишлаб чиқариш тармоқлари учун солиқ юкларини қисқартириш;

-иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқарувчиларнинг эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яхшилаш;

-экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сонини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон стандартларига жавоб беришини таъминлаш;

-импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш;

-инноватцияларни солиқ сиёсати орқали рағбатлантириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш ва инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзли шарт-шароитларни яратиш ва ҳокоза;

Зарафшон иқтисодий районидаги демографик жараёнлар, уларда юз берган ўзгаришлар Ўзбекистон бўйича кузатилган жараёнларнинг ажралмас бир қисмидир. Иқтисодий районда амалга ошган ҳар қандай жараён республикага хос бўлган тенденциялар ва қонуниятларнинг қандайдир бир бўлаги сифатида намаён бўлади. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурслари ёки аҳоли бандлигига талуқли муаммоларни ҳаққоний талқин қилиш ва энг муҳими тўғри хулосалар чиқариш учун таҳлилни республика ва иқтисодий район аҳолисининг сони, динамикаси, жойлашиши, тақсимлашиши каби жиҳатларни ўрганишдан бошлаш лозим² [79,229].

Маълумки Ўзбекистонда кейинги йилларда саноатни яна ҳам ривожлантириш, уни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга устувор аҳамият берилиб келинмоқда. Бунинг натижасида республикада янги тармоқ ва тармоқчалар, ишлаб чиқаришлар барпо этилмоқда. Кейинги 2010-2020 йилларда саноатда банд бўлган аҳоли сони Ўзбекистон 1540,0 кишидан 1642,3 кишига етди ёки 106,6 фоизга кўпайди. Зарафшон иқтисодий районида ушбу кўрсаткичлар 111,6 фоизга тенг бўлди. Натижада Республикада банд аҳоли ичида саноатнинг улуши 2010 йилда 13,2 фоиздан 2020 йилга келиб 12,8 фоизга пасайди. Иқтисодий районда эса ушбу кўрсаткич 13,3 фоиздан 13,5 фоизга етди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноатнинг банд аҳоли ўртасидаги улуши иқтисодий ривожланган мамлакатларда 24-28 фоиз атрофида ўзгариб туради. Унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 25-30 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда ҳам саноатнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришдаги улуши 2013-йилда 24,2 фоизга тенг бўлди. Умуман Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқаришга ва банд аҳоли таркибига тегишли маълумотлар 3.9-жадвалда келтирилган. Таҳлил саноатнинг самарадорлик даражаси нақадар юқори эканлигини, транспорт ва алоқага ҳам унга яқин кўрсаткичлар хослигини кўрсатди. Саноатга 2018-йилда банд аҳолининг 12,9 фоизи тўғри келган ҳолда унга ЯИМ нинг 24,2 фоизи ишлаб чиқарилган. Худди шунингдек транспорт ва алоқанинг банд аҳоли сонидagi улуши 5,3 фоизга тенг бўлган ҳолда, ушбу тармоқда ЯИМ нинг 11,9 фоизни ишлаб чиқарилган. Айни пайтда қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан

² Уралов Е.О. Зарафшон минтақаси меҳнат ва табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари // "Инсон-жамият-табиат" системасида мувозанат ва ривожланиш муаммолари мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2014. – 229 б.

фойдаланиш даражаси жуда паст кўрсаткичлар билан ифодаланади. Жумладан, 2020-йилда ушбу тармоқ банд аҳолининг 27,2 фоизда тўғри келгани ҳолда, унда ЯИМ нинг 17 фоиздан ишлаб чиқарилди, холос, Шунга яқин шакилланган .республикада бундай вазиятнинг вужудга келишида меҳнат ресурслари билан мавжуд иш жойлари ўртасидаги номутаносиблик асосий омил ҳисобланади. Ундан ташқари мамлакатмизда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг маълум қисми ишга жойлашиши ёки иш қидирмаса уни қишлоқ хўжалигида бандлар қаторига қўшиб қўйиш амалиёти ханузгача мавжуд эканлигини буни мустақилликгача амал қилган “Қолдиқ” тамоилнинг таъсири эканлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Зарафшон иқтисодий районида ишсизларнинг умумий сони 2010 йилда 141, мингдан 2020 йилга келиб 139,9 минг кишига ёки 98,9 фоизга пасайди. Ишсизлик даражаси жами ишсизлар ўртасида 5,5 фоиздан 5,1 фоизга, аёлларда эса 6,3 фоиздан 4,9 фоизгача қисқарди. Ишсизликка оид тенденциялар Зарафшон иқтисодий районида республиканинг бошқа иқтисодий районларида бўлгани каби асосларга эга ҳолда ўзгармоқда. Иқтисодий райондаги ҳолат Навоий вилоятида алоҳида ўрин эгаллайди.

Республика бўйича Зарафшон иқтисодий райони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи асосий ҳудудлардан бирдир. Унга саноат ҳам бирмунча ривожланган. Хўжалиги тузилмасида энг катта улуш қишлоқ хўжалигига тегишлидир.

Иқтисодий район ҳудудларидаги иқтисодий фаол аҳоли, шунингдек, мавсумий ишчилар ҳам қишлоқ хўжалигида бандлиги мавжуд. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминланишида фермер хўжаликлари муҳим рол ўйнаши лозимлиги таъкидланмоқда. Лекин фермер хўжаликлари қишлоқ аҳолисини доимий иш билан таъминлай олмаяпти. Чунки хўжаликлардаги иш мавсумий характерда бўлганлиги боис, фермер хўжалигидаги доимий ишчи сони чекланиши табиий ҳолдир.

Иқтисодий районда Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида доимий яшайдиган аҳоли ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Фақатгина Когон туманида пасайиш кузатилгани юқоридаги жадвалдан маълум.

Ишлаётган ўсмирлар ва нафақахўрлар сони Бухоро шаҳрида катта кўрсаткичга эга. Когон шаҳри ҳамда Каттакўрғон, Нуробод, Оқдарё, Пахтачи туманларида пасайган.

Иқтисодиётда фаол аҳоли сони Самарқанд, Навоий, Каттакўрғон шаҳарларида юқори, лекин Бухоро, Когон, Зарафшон шаҳарларида ўтган йилдагига нисбатан пасайиш кузатилади. Туманлар даражасида эса энг юқорилари Ғиждувон, Ургут, Пастдарғом, Хатирчи, Нарпай туманларида кузатилади.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилишнинг асосий йўли қишлоқларда ижтимоий бозор инфратузилмаларини, яъни аҳолини хусусий ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириш, қишлоқ ҳудудларида кичик ва ўрта бизнесни,

шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига ҳал қилиш мумкин.

Зарафшон иқтисодий райони қишлоқларида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш учун фақатгина иш ўринларини яратиш кифоя қилмайди. Аслида, ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ва барқарор хўжалик тизимини яратиш учун малакали мутахассисларга эҳтиёж жуда катта.

Иқтисодий районларда ривожлантириш лозим ва мумкин бўлган соҳалар мавжудки, айни соҳалар иқтисодий районнинг индустриал ривожланиши ва иқтисодий жihatдан республикадаги муҳим ҳудудлардан бирига айланишига ёрдам беради. Бу соҳалар, энг аввало, қурилиш саноатига тегишли бўлиб, Иштихон, Хатирчи, Зармитан туманларида мавжуд рангдор металл ҳамда қурилиш хом-ашёлари заҳиралари қазиб олиш ва улар асосида корхоналар бунёд қилиш билан боғлиқ. Мавжуд енгил саноат корхоналари ишини қайта тиклаш ва жонлантириш талаб этилади. Бундан ташқари, Зарафшон иқтисодий райони табиий ландшафтларнинг турли манзараларига эга бўлган ҳудуддир. Тоғ ва тоғ олди туманлари Нурота, Ургут, Иштихон ҳамда чўл ҳудудларида туристик ва рекреация объектларини бунёд қилиш, туризм инфратузилмасини шакллантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, аҳолининг кўшимча даромад манбаларини кўпайтириш имкониятлари мавжуддир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич чуқурлаштириб борилиши иш билан банд аҳоли сонининг ўсишини таъминламоқда.

Зарафшон иқтисодий райони аҳоли сонининг ўсиши ва меҳнат ёшидаги кишилар категориясининг ошиб бориши иқтисодиёт тармоқларида банд ишчи ва хизматкорларнинг сони кўпайишидан сезилади, берилган умумий маълумотларнинг ўзиёқ Зарафшон иқтисодий райони иқтисодиёт тармоқларида ишчи – хизматчиларнинг сонини кўпаяётганлигини тасдиқлайди. Агар 2000 йилда иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли 1829 минг киши меҳнат қилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 2095,3 минг киши, 2010 йил 2361,6 минг киши, 2017 йил 2929,3 минг киши ташкил қилади. Ҳозирги пайтда бу 266,5 минг кишига кўпайган. Шундан саноат тармоқларида 2000 йилда 226,9 минг киши, 2005 йилда 271,2 минг киши, 2010 йилда 315,5 минг киши, 2014 йилда 359,8 минг кишига етди. Саноат тармоқларида ишчи ва хизматчилар сонини кўпайишига ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялашга ва меҳнатга лаёқатлилар билан таъминлаш даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида 2000 йилда 700,8 минг киши, 2017 йилда 748,4 минг кишини ташкил этмоқда. Шунга кўра қишлоқ жойларда аҳолига ижтимоий томондан хизмат қиладиган соҳаларнинг баъзаларини яратиш катта аҳамиятга эга. Бу биринчидан, ижтимоий соҳаларда улкан муаммоларни ҳал қилишга имкон яратса, иккинчидан қишлоқ фуқароларини, айниқса, ёш мутахассисларни қишлоқнинг доимий аъзоларига имконият беради. Шундай қилиб, қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий томондан қафолатлаш қишлоқ жойларда меҳнат

ресурсларининг кўпайишини таъминлайди. Лекин қишлоқ жойларда аҳолининг тез суръатда ўсиши ва ўлкамизнинг табиий-иқтисодий шароитидаги хусусиятлар айрим районларни иқтисодиёт тармоқлари йиғиндаги тўсиқлар меҳнат ресурслардан оқилона фойдаланишга пропорцияларнинг иқтисодий асоси иқтисодий районларнинг ишлаб чиқариш жараёнига самарали муносабатини ўрнатиш орқали ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад олиш, уни тўғри тақсимлаш, шунингдек ҳалқнинг ривожланиш даражасини юксалтириш, иқтисодий районларни тўлиқ қатнаштириш йўли билан ечилиши мумкин.

Зарафшон иқтисодий райони аҳолисини ишсизликни бартараф этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришни таъминлаш;

— мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш;

— йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан қасаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг камровли фойдаланиш;

— маҳаллий хомашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш;

— хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бандлик соҳаларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш;

— ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш манбаи бўлган иш билан бандлик даражасининг ошишига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасининг кучайишига янада кенг йўл очиб беради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

- 1) Уралов Е.О. Зарафшон минтақаси меҳнат ва табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари // “Инсон-жамият-табиат” системасида мувозанат ва ривожланиш муаммолари мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2014. – 229 б.
- 2) Қаюмов А., Назарова Х., Эгамбердиев Ф., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: 2004. 69–231-б.
- 3) Қаюмов А., Пардаев Ғ.Р., Исломов И.Н. Иқтисодий ва ижтимоий география (Марказий осие давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т., 2015. – 37 б.
- 4) Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси // – Бухоро, 2020.-76.
- 5) Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари // – Навоий, 2020. -86.

6) Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари // – Самарқанд, 2020. -11б.